

## Сийрат дарслари (219-дарс) Сўраганинда Аллоҳдан сўра



19:00 / 25.02.2023 3877

852. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ортларида турган эдим. Шунда у зот айтдилар: **«Эй бола, сенга ушбу калималарни ўргатаман: Сен Аллоҳни муҳофаза қил, У сени муҳофаза қилади. Сен Аллоҳни муҳофаза қил, Уни қаршингда топасан. Сўраганинда Аллоҳдан сўра. Ёрдам талаб қилганинда Аллоҳдан ёрдам талаб қил. Билки, агар умматнинг ҳаммаси жамъ бўлиб, сенга бирор наф беришмоқчи бўлса, Аллоҳ ёзган нарсадан бошқа нарсада ёрдам бера олишмайди. Агар сенга бирор зарар етказиш учун жамъ бўлишса, Аллоҳ ёзган нарсадан бошқа нарсада зарар етказа олишмайди. Қаламлар кўтарилиб, саҳифалар қуригандир».**

*Термизий, Ҳоким ривоят қилишган.*

\* \* \*

853. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким сиздан Аллоҳ номи билан паноҳ сўраса, паноҳ беринглар. Ким сиздан Аллоҳ номи билан (бирор нарса) сўраса, сўраганини беринглар. Ким сизни даъват қилса, ижобат қилинглар. Ким сизга яхшилик қилса, мукофотини беринглар. Агар уни мукофотлайдиган нарса топа олмасангиз, то «уни қилганига яраша мукофотладим» дегунингизча ҳаққига дуо қилинг»**, дедилар».

*Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

\* \* \*

854. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан вафотларидан уч кун олдин қуйидагини эшитдим: **«Бирортангиз, албатта, Аллоҳ аzza ва жаллага яхши гумон қилмасдан ўлмасин»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

\* \* \*

855. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшиликни эргаштир. Бу уни ўчиради. Одамларга гўзал хулқ билан муомала қил»**, дедилар».

*Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**